



ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙИШИДАН ИККИ ТОМОН ҲАМ МАНФААТДОР

17 июнь куни Қўқсарой қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайерни кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олди. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Германия Ўзбекистоннинг ишончли ва стратегик ҳамкорларидан. Кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар барча йўналишда жадал ривожланяпти. Айниқса, охириги йилларда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифи кўпайди, ҳамкорлик кўлами кенгайди.

2019 йилда Президентимиз Берлинга бориб, Германия Канцлери ва Президентини билан давлатларимиз ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида музокара-лар ўтказган бўлса, ўша йили май ойида

Президент Франк-Вальтер Штайнмайер Тошкентга келди.

2023 йилда Президентимиз яна Германияга борди. Орадан бир йил ўтиб, 2024 йил кунида Германия канцлери юртимизга ташриф буюрди. Ўзаро ташрифлар асосида икки давлат ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида самарали келишувларга эришилди.

Тантанали маросимдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг тор доирада ҳамда расмий делегациялар иштирокидаги музокара-лари бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқалар ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришнинг асосий масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Германия Президентининг ўз мамлакати ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларини изчил ривожлантириш ҳамда ўзаро манфаатли минтақаларга ҳамкорликни илгари суришга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида эътироф этди.

▶ Давоми 2-бетда

ФОРУМ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАРДА КЎП ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Қозғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов, Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегация, Хитой Халқ Республикаси Миллий энергетика бошқармаси раҳбари Ван Хунжи бошчилигидаги ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари ва молия институтлари делегацияси, Буюк Британиянинг инвестициялар бўйича давлат вазири, лорд Джейсон Стоквуд бошчилигидаги делегация ва Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, “ACWA” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайяни қабул қилди.



Қозғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов суҳбат аввалида давлатимиз раҳбарига Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг самимий саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистон — Қозғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари янада чуқурлаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча даражалардаги фаол мулоқот мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳамжамлари ўсиб, яқинда қабул қилинган янги “йўл харитаси” асосида иқтисодиётнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш давом этмоқда.

Июль ойида бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ҳамда Ақтау шаҳрида ўтказиладиган ҳудудлар раҳбарларининг биринчи Кенгашига пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегация билан учрашувда Ўзбекистон — БАА стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Суҳбат аввалида вазир давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактум, Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ва Абу-Даб

Амирлиги валиаҳди Шайх Ҳолид Ол Наҳаённинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Қайд этилганидек, товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳамжи, қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Бешинчи Тошкент инвестиция форуми доирасида БАА компаниялари билан қатор янги келишувлар имзоланиши кутилмоқда.

“Яшил” энергетика, ёқилги ишлаб чиқариш, транспорт, логистика, сунъий интеллект, рақамлаштириш ва бошқа йўналишлардаги йирик лойиҳаларни жаддаллаштиришга келиши олинди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БЕШИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Қадри дўстлар!
Бугун бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида қатнашаётган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли халқаро молия институтлари, йирик компаниялар, жамғармалар вакиллари ва етакчи ишбилармонларни кўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Сизларнинг иштирокингиз халқаро миқёсда Янги Ўзбекистон тараққиётига бўлган ишонч тобора ортиб бораётганининг яна бир ифодасидир.

Форум доирасида биргаликдаги ҳаракатларимиз катта марраларга эришиш учун мустаҳкам пойдевор бўлмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда юртимизга 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, шундан 123 миллиард доллар охириги беш йилга тўғри келмоқда.

Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали шерикликка тайёр инвесторлар учун доимо очиқмиз.

Жорий йили форумда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатидан 4 мингга яқин хорижий меҳмонлар қатнашаётгани ҳам анжуманимиз нуфузи юксалиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, тадбиримизда иштирок этаётган Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай Жаноби Олийларига, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин Жаноби Олийларига, Беларусь Республикаси Бош

вазири Александр Турчин Жаноби Олийларига, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов Жаноби Олийларига, Қозғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов Жаноби Олийларига, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев Жаноби Олийларига, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода Жаноби Олийларига алоҳида миннатдорлик изҳор этаман.

Шу билан бирга, жадал ислохотларимиз йўлида биз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Янги тараққиёт банки, шунингдек, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Европа инвестиция банки ҳамда хорижий банклар, компания ва ташкилотлар вакилларига самимий ташаккур айтаман.

Янги Ўзбекистонга ҳуш келибсиз, қадри дўстлар!

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Жаҳон иқтисодиёти ва глобал капитал харитаси кескин ўзгараётган, савдо зиддиятлари авж олаётган ҳозирги шароитда ҳар қандай инвестор тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинаётган, иқтисодиёт жадал суръатлар билан ўсиб бораётган, кенг имкониятлар мавжуд бўлган давлатларга сармоя кириштига интилиши табиий, албатта.

Шу боис, биз Янги Ўзбекистонда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш йўлида тизимли чора-тадбирларни олиб бораёмиз. Ўтган йили ялпи ички

маҳсулотимиз 7,7 фоизга ўсди, иқтисодиётга 43 миллиард доллар инвестиция жалб қилинди. Миллий валютаимиз барқарорлиги таъминланиб, халқаро захираларимиз ҳамжи 70 миллиард доллардан ортди.

Кўпчиликнинг ёдида, биз тўрт йил аввал бўлиб ўтган илк форумда 2026 йил якунига келиб, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотини 100 миллиард долларга етказишни мақсад қилган эдик. Жадал суръатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимиз бу йил 180 миллиард доллардан ортиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг халқаро кредит рейтингини йил сайин яхшиланиб бормоқда. Жорий йилда мамлакатимиз нуфузли “Иқтисодий эркинлик индекси”да 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодиёти янги суръат ва янги имкониятлар босқичига чиқаётганига эркин мисолдир.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Бугунги форум мавзуси “Инвестициявий барқарорлик: янги марралар ва янги шериклик” деб номлангани ҳам бежиз эмас. Биз олдимизда турган катта мақсадларга фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз орқали эриша оламиз. Кўп қиррали ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун бир қатор устувор йўналишларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи йўналиш — инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат тизимини янада кучайтириш.

▶ Давоми 2-бетда

ТОШКЕНТ ИНВЕСТИЦИЯ РУҲИ — ДУНЁНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ОРТИБ БОРАЁТГАН ИШОНЧИ, УМУМИЙ МУВАФФАҚИЯТИ РАМЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

17 июнь куни бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Инвестиция — халқаро савдо урушлари, глобал таъминот занжирларидаги узилишлар билан боғлиқ муаммолар кечаётган, бошқа томондан, рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Айниқса, жадал тараққиёт йўлига ўтаётган мамлакатимиз учун инвестиция масаласи ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу маънода, Тошкент халқаро инвестиция форуми нуфузининг йилдан йилга ошиб бораётгани диққатга сазовор. Бинобарин, дастлабки йилларда форумда ўнлаб давлатлардан иштирокчилар қатнашган

бўлса, бу сафар 100 дан ортиқ мамлакатдан 10 мингдан зиёд делегат ва иштирокчиларни бир жойда жамлади.

Бешинчи бор ўтказилаётган ушбу форум нуфузини фақат сон билан баҳолаш хато бўлади. Зеро, форум иштирокчиларининг дунё ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ҳамда уларнинг янги Ўзбекистондаги ислохотларга ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, мамлакатимизга интилаётгани нуктаи назардан ҳам йил сайин сифат жиҳатидан ўсиб бормоқда.

▶ Давоми 3-бетда

АЛБАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биоан Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай рафиқаси ҳамроҳлигида 16-17 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ташрифнинг биринчи куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Албания Президентлари расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар. Икки давлат ўртасида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари кўриб чиқилди.

Олий мартабали меҳмон рафиқаси ҳамроҳлигида шу куни пойтахтимиздаги “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Албания етакчиси ташриф доирасида Самарқандда ҳам бўлиб, Имом Бухорий

мажмуасини зиёрат қилди. Амир Темур мақбараси, Регистон мажмуаси, Мирзо Улуғбек музей-расадхонаси, Самарқанд халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуасига ташриф буюрди.

▶ Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БЕШИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Инвесторлар ҳуқуқларини кучли институтлар, эътироф этилган халқаро механизмлар орқали таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу борада март ойдан Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш бўйича ишларни бошладик. Марказнинг ҳуқуқий асослари Конституциявий қонун билан мустаҳкамланади. Ушбу Марказ иштирокчилари учун жозибдор солиқ тизими яратилади. Фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқалар божлари ноль фоиз этиб белгиланади. Капиталнинг эркин ҳаракати, инсталган валютадга ҳисоб-китоб қилиш имконияти сўзсиз кафолатланади. Молиявий технологиялар, рақамли активлар, “яшил” молия учун замонавий тизим яратилади. Марказ ҳудудда норматив ҳужжатларни қабул қилиш ваколатига эга мустақил молиявий регулятор ҳам ташкил этилади.

Дастлабки босқичда бу каби имтиёزلарнинг амал қилиш мuddати 50 йил этиб белгиланади. Марказда Англия ҳуқуқига асосланган махсус тартиб-тамоийлик жорий этилади, мустақил Тошкент халқаро тижорат суди ташкил қилинади. Унда нуфузли хорижий судьялар ва халқаро экспертлар фаолият юритади. Шу билан бирга, инвестицион медиация тизимини ҳам ривожлантирамыз. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Медиация тўғрисидаги Сингапур конвенциясига қўшилиш ниятидамыз.

Ушбу чоралар натижасида инвесторлар Ўзбекистоннинг ўзида кафолатланган халқаро ҳуқуқий ҳимояга эга бўлади. Барчангизни бундай шарт-шароитлардан, шаклланаётган янги экотизим имкониятларидан унумли фойдаланишга чақирамыз.

Иккинчи йўналиш — капитал бозорини ривожлантириш, муқобил молия воситаларига кенг йўл очиб.

Ўзбекистон янги авлод молия технологиялари ва сармоя бозорларини жадал ривожлантироқда. Ўтган даврда халқаро бозорларда 16 миллиард доллардан зиёд облигацияларни жойлаштирдик. Шу билан бирга, миллий валютадagi корпоратив евро-облигацияларини ҳам айланмага киритдик. Илк бор 13 та стратегик корхона активига эга Миллий инвестиция жамғармасининг 30 фоиз акцияларини Тошкент

ва Лондон фонд биржасига чиқардик. Эътиборли жиҳати, бу Лондон биржасининг охириги беш йилдаги энг йирик IPO-сига айланди. Шу билан бирга, қатор йирик компанияларни ҳам IPOга чиқаришга тайёргарлик кўрамыз.

Бу каби ислохотларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш учун “Капитал бозори тўғрисида”ги ва “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинади.

Ўзбекистонда халқаро клиринг компанияларини фаолиятига ҳам кенг имкониятлар очамиз. Бундан ташқари, инвестиция оқимини диверсификация қилиш учун суверен облигациялари — сукук дастурини амалга оширишни бошлаймиз.

Булар корхоналаримизга келгусида камида 10 миллиард доллар қўшимча капитал олиб келиш учун қатта туртки беради. Шунингдек, хусусийлаштириш доирасида шу йил 6 миллиард долларлик кўчмас мулк, корхоналардаги давлат улуши ва ер участкалари аукционга чиқарилади.

Маҳаллий ва хорижий инвесторларни бундай янги имкониятлардан кенг фойдаланишга чорлаймиз.

Учинчи йўналиш — юқори қўшилган қиймат занжирларини кенгайтиришга инвестицияларни жалб этиш.

Биз санаётнинг барча тармоқларида янги технологик босқичга ўтиш ва қўшилган қийматни яратиш бўйича қатта дастурларни бошладик. Келгуси беш йилда санаётда юқори технологияли маҳсулотлар ҳажмини 2,5 баробарга кўпайтирамыз. Мисол учун, илгор кимё тармоғини ривожлантириш орқали 20 миллиард долларлик инвестиция салоҳиятини ишга солиш; ҳудудларда 15 миң юқори даромадли иш ўринларини яратиш; 130 турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлигимиз бизга ҳам, сиз, инвесторларга ҳам манфаат келтиришига ишонаман.

Яхши хабардорсиз, Ўзбекистон бой табиий ресурслар — олтин, мис, уран, вольфрам, газ ва бошқа ноёб захираларга эга. Стратегик ҳолаш бўлган ер ости бойликларимизнинг умумий қиймати 3 триллион доллар деб баҳоланади.

Бу соҳадagi имкониятларни хорижий инвесторларга тақдим этиш мақсадида очик рақамли геология маълумотлар базисини яратамиз; аукционга қўйилган қонларни 4 қарра кўпайтирамиз; “қазиб олишдан тайёр маҳсулотгача” бўлган

лойиҳаларни амалга ошириш учун Тошкент ва Самарқанд вилоятларида барпо этилаётган “Келажак металлари” технопаркларига хорижий сармояни кенг жалб қиламыз.

Машинасозлик, робототехника, энгил саноат, қурилиш материаллари, электротехника, фармацевтика каби “драйвер” тармоқларда ҳам 30 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга оширишни таклиф қиламыз.

Сизларнинг “янги иқтисодиёт” тармоқларидаги ташаббусларингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёргиз.

Тўртинчи йўналиш — “яшил” энергетика ва сунъий интеллект соҳаларидаги шерикликни янада чуқурлаштириш.

Хабарингиз бор, “яшил” энергетикага қатта эътибор бериб келямиз. Яқин йилларда умумий электр генерациясида унинг улушини 54 фоизга етказишни режа қилганмиз. Инвесторларга қуёш ва шамол электр станциялари билан бир қаторда энергия сақлаш тизимларини ривожлантириш, тармоқларни модернизация қилиш, “яшил” энергия асосида ишлайдиган дата-марказлар барпо этиш таклифини илгари сурамыз.

Сунъий интеллект тармоғини ривожлантириш — давримизнинг муҳим талаби. Хорижий экспертлар Ўзбекистонда келгуси беш йилда ушбу янги йўналишда камида 10 миллиард долларлик қўшимча қиймат яратишишни прогноз қилипти.

Сунъий интеллектни барча соҳаларга кенг жорий этиш учун энг илгор тажрибалар асосида Миллий стратегияни қабул қилдик. Унинг доирасида “Беш миллион етакчи” дастури бошланди.

Асосий вазифамиз сунъий интеллект орқали аҳолининг барча қатламлари ҳаётини яхшилаш, ундан таълим, давлат хизматлари ва бизнес жараёнларида кенг фойдаланишдан иборат.

Биз Қорақалпоғистонда сунъий интеллект лойиҳаларни ва дата-марказлар учун махсус зона яратдик. Бу ҳудудда 2040 йилгача инвесторлар барча турдаги солиқ ва божлардан озод қилинади; йўл, электр, сув инфратузилмаси давлат ҳисобидан куриб берилади; 1 киловатт-соат электр энергияси учун 5 цент миқдорида имтиёзли тариф белгиланади.

Шу билан бирга, махсус ҳуқуқий режимига эга бўлган Ўзбекистон халқаро рақамли технологиялар марказини ҳам ташкил этипмыз.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни ушбу йўналишлар бўйича жозибдорлиги юқори бўлган лойиҳаларда ҳамкорликка таклиф этамыз.

Бешинчи йўналиш — минтақавий транспорт-логистика боғлиқлигини ривожлантириш.

Маълумки, инвесторлар учун халқаро савдо бозорларида чиқиб катта аҳамиятга эга. Бугунги тадбиримизда кенг минтақамиз мамлакатларининг ҳукумат раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда.

Биз сўнгги йилларда бу давлатлар етакчилари билан биргаликда Марказий Осиёни ўзаро боғлиқ ва бутун жаҳонга очик бўлган қатта имкониятлар майдонига айлантирапмыз. Жумладан, Хитой ва Қирғизистон билан ҳамкорликда стратегик темир йўл қурилишини жадал давом эттирапмыз. Шу билан бирга, жанубий денгиз портларида тўғридан-тўғри чиқиш имконини берадиган Трансафғон коридори лойиҳаси устида фаол ишляпмыз. Бундан ташқари, Каспий денгизи орқали ўтадиган “Ўрта коридор” транспорт йўналишини ҳам ривожлантирапмыз.

Ушбу лойиҳаларни тўлиқ рўёбга чиқариш эвазига Осиё ва Европани боғлайдиган транспорт магистраллари тармоғига қўшиламыз.

Биз транспорт-логистика йўналишида юртимизда қатор мегалойиҳаларни ҳам бошлаганмиз. Масалан, Саудия Арабистонидagi ҳамкорлигимиз билан йилга 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатадиган янги Тошкент халқаро аэропортини қурапмыз.

Форум доирасида сизларга тақдим этилаётган тезкор автомобиль йўлларини барпо этиш, кўп функцияли логистика марказлари ва “қуруқ портлар”ни қуриш каби лойиҳаларда фаол иштирок этишини биз сизга кўрсатадиган бўлишига ишонамыз.

Форуи доирасида сизларга тақдим этилаётган тезкор автомобиль йўлларини барпо этиш, кўп функцияли логистика марказлари ва “қуруқ портлар”ни қуриш каби лойиҳаларда фаол иштирок этишини биз сизга кўрсатадиган бўлишига ишонамыз.

Олтинчи йўналиш — ҳудудларни ривожлантиришда инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш.

Ўзбекистон аҳолиси қарийб 40 миллионга яқинлашди. Жадал демографик ва иқтисодий ўсиш биздан урбанизация ва шаҳарсозлик бўйича қатта дастурларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Улар доирасида 2040 йилга қадар қуриладиган уй-жойларнинг сонини 2 қарра ошириб, урбанизация даражасини ҳозирги 51 фоиздан 65 фоизга етказишни режа қилганмиз.

Биз узоқ келажакни кўзлаган янги инвестиция марказларини барпо этмоқдамиз. Пойтахтимизга туташ ҳудудда 2 миллион аҳолига мўлжалланган замонавий Янги Тошкент мегаполисини бунёд этипмыз. Шунингдек, Андижон, Наманган ва Самарқандни миллионли шаҳарларга айлантириш бўйича лойиҳаларни бошлаб юборганмиз.

Умуман, юртимизда уй-жой қурилиши лойиҳалари йилга камида 10 миллиард долларлик кафолатли бозорни таъминлайди. Бунга қўшимча равишда инфра-тузилмани барпо этишда 27 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини сизлар билан амалга оширишга тайёргиз.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳудудлари ривожланишида туризм ва замонавий агросаноат ҳам драйвер йўналишга айланмоқда. Хусусан, ўтган беш ойда юртимизга хорижий туристлар оқими 27 фоизга ўсиб, 5,5 миллион нафарни ташкил этди. Умуман олганда, Ўзбекистонда ҳар йили 15-20 миллион чет эллик сайёҳларни қабул қилиш ва уларга йилга камида 15 миллиард долларлик туризм хизматлари кўрсатиш салоҳияти бор.

Шу боис, туризм дурдоналари бўлган Самарқанд, Бухоро ва Хива билан бир қатор бошқа ҳудудларимизда ҳам сайёҳлик соҳасига фаол сармоя киритасизлар деб умид қиламыз.

Қолаверса, аънавий қишлоқ ҳўжалигини илгор агробизнес тармоғига айлантириш бўйича ҳам дадил қадамлар ташляпмыз. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон дунёнинг 70 дан ортиқ давлатига йилга 3,5 миллиард долларлик мевасабзавот экспорт қилиб, ўз “брэнди”га эга бўлди.

Биз ҳосилдорликни ошириш, янги органик маҳсулотларни кўпайтириш орқали экспортни 10 миллиард долларга олиб чиқиш бўйича қатта мақсадларни кўзлаганмиз. Шу ўринда сиз, нуфузли компаниялар вакилларига қарата айтмоқчиман: бугунги анжуманда бизнинг 14 та ҳудудимиз раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда. Марҳамат, улар ҳамроҳлигида вилоятларга бориб, яратилаётган имкониятлар билан бевосита танишинг. Бой тажрибангиз, технология ва сармоянгиз билан ўзаро манфаатли лойиҳаларда фаол иштирок этинг. Бу жараёнларда барча ҳўкимлар сизларнинг ёнинида туриб, яқиндан кўмак беради ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Азиз меҳмонлар! Биз Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ташаббуси билан Марказий Осиё ва Кавказ инвестиция кенгашларининг минтақавий альянсини ташкил этилаётганини ўз вақтида қабул қилинган қарор деб ҳисоблаймиз.

Бозор қанчалик қатта ва қоидалар қанчалик уйғун бўлса, минтақа давлатларида сармоялар оқими шунча кўпаяди. Шу маънода, мазкур муҳим ташаббус келгусида умумий инвестиция маконини яратиш йўлидаги дастлабки қадам бўлишига аминмиз.

Қадрли дўстлар! Биз эртага сармоядорлар билан доимий институционал мулоқот формати — Президент хузуридаги Инвесторлар кенгашининг янги мажлисини ўтказамиз. Бир стол агрофида ўтириб, юзага келган ҳар қандай муаммоларга самарали ечимлар топамиз ва аник вазифаларни белгилаб оламиз.

Чунки биз учун инвестиция бу фақат иқтисодий ресурс эмас, балки илгор технологиялар, замонавий билим ва тажрибалар, янги иш ўринлари ва давр билан ҳамнафас тараққиёт демакдир.

Ҳар қандай буюк орзу ва ниятни ҳаётга тўла таъбиқ этишда асосий ҳамкор, ҳеч шубҳасиз, эзгу ниятчи инвесторлар, десак, муболага бўлмайди. Шу боис, диёримизга қатта ишонч ва гоғлар билан келаятган хорижий сармоядорларга Янги Ўзбекистоннинг эшиклари ҳамиша очик. Президент сифатида шахсан ўзим ва Ҳукуматимиз ёнинида елкадош бўлишга доим тайёргимиз.

Тошкент инвестиция форуми руҳи барчангизни мамлакатимизга доим чорлаб туришига, умумий муваффақият рамзига айланишига ишонаман.

Юртимизнинг гўзал табиати, бетакрор маданияти ва олижаноб халқимизнинг меҳмондўст қалби эса дўстлигимизни мустаҳкамлаш учун ўзига хос инвестиция бўлишига аминман.

Сўзимнинг яқунида анжуманимизда қатнашаётган инвесторларга, хорижий ҳукумат ва халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус вакилларига яна бир бор чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаолиятингизда улкан зафарлар тилаб қоламэн.

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ: ҲАМКОРЛИК КўЛАМИ КЕНГАЙИШИДАН ИККИ ТОМОН ҲАМ МАНФААТДОР

Бошланиши 1-бетда

Қайд этилганидек, икки томонлама мулоқот жадал тус олиб, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар юксак даражага кўтарилди. Буни савдо-инвестиция соҳасидаги ҳамкорликда барқарор ижобий суръат кузатилаётгани, жумладан, ўтган йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш қиймати 1,4 миллиард доллардан ортиб, жорий йилнинг ўтган даврида яна 5 фоиз кўпайгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Яна бир ёркин жиҳат — Германиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестицияси ҳажми 2025 йилда 2 миллиард долларга етди.

Май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Германия иқтисодиёти кунлари ҳамда Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши 10-ийгилишининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди. Зеро, яқунда 1 миллиард долларлик янги инвестиция ва савдо келишувлари тўғлами имзолангани мазкур тадбирларнинг иқтисодий аҳамиятидан далолат бериб турибди.

Изчил мустаҳкамланиб бораётган маданий-гуманитар алоқалар ҳам музокаралар кун тартибидан ўрин олди. Қайд этилганидек, бугун Ўзбекистонда 400 миңдан зиёд ёш немис тилини ўрганмоқда, 2000 дан ортиқ талаба Германиянинг етакчи университетларида таҳсил олмақда. Ўтган йили илк бор икки мамлакат университетларининг форуми бўлиб ўтди.

Ўтган ҳафта немис университетлари консорциуми билан Самарқандда Ўзбекистон — Германия амалий фанлар университети ташкил этиш тўғрисидаги битим имзолангани таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Давлат раҳбарлари саноат, энергетика ва “яшил иқтисодиёт”, транспорт ва

логистика, тоғ-кон, тўқимачилик, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишларида ҳамкорликни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини қайд этди.

Етакчилар автомобилсозлик, маиший кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш, логистика ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳаларида янги қўшма лойиҳа ва дастурлар ишга тушириляётганини оқшилади. Тошкентда иккинчи Университетлар форуми ҳамда учинчи Ўзбекистон — Германия тиббиёт форумининг ўтказилиши қўллаб-қувватланди.

Томонлар минтақавий ва халқаро кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиб, кўп томонлама майдонларда, жумладан, “Марказий Осиё — Германия” формати доирасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

Германия Федератив Республикаси Президентининг ушбу ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожиде янги босқични бошлаб бериши ҳамда икки томонлама муносабатларнинг барча жабаҳида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам барқарор ривожланишида давом этиши шубҳасиз. Бинобарин, етакчилар музокаралар якунлари бўйича қўшма баёнот қабул қилиб, кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилишини тасдиқлади.

Шунингдек, давлат раҳбарлари Ўзбекистонда қўшма лойиҳаларни амалга ошираётган ва янгиларини бошлашни режалаштираётган Германиянинг етакчи компаниялари вакиллари самимий кутлади.

Икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистонда шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича лойиҳаларни бажариш учун грант маблағларни ажратиш ва имтиёзли молиялаштиришни назарда тутувчи молиявий ҳамкорлик соҳасидаги келишувлар имзоланди.

Икки мамлакат етакчилари хузурида Тошкент шаҳрида “Volkswagen” автомобилларини йирик узелли йиғинини ташкил этиш, Андижон вилоятида логистика марказини барпо этиш, суяқ маиший ювиш воситаларини ишлаб чиқариш, темир йўл соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш ҳамда замонавий имтиҳон марказларини очиш каби қатор қўшма инвестиция ва таълим лойиҳаларида иштирок бериди. Ушбу лойиҳалар саноат кооперациясини кенгайтириш, инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринларини очиш ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Германия музокаралари якунида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Франк-Вальтер Штайнмайер дарахт экиш маросимида иштирок этди. Қўрсарой қароргоҳидagi Фахрий меҳмонлар хиёбониде экилган дарахт халқларимиз ўртасида мустаҳкамлик бораётган дўстлик, ишонч ва ўзаро англашув ришталарининг рамзига айланиб, икки томонлама муносабатлар тарихиде янги босқич бошланганининг тимсоли бўлади.

Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этимоқда.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Хитой Халқ Республикаси Миллий энергетика бошқармаси раҳбари Ван Хунжи бошчилигидаги делегация билан учрашувда “China Energy Engineering Corporation”, “China Datang”, “Sinoma Energy Conservation”, “China Southern Power Grid”, “CAMCE”, “CNNC”, “State Nuclear Uranium Resource Development” компаниялари раҳбарлари ҳамда “The Export-Import Bank of China” ва “Bank of China” вакиллари иштирок этди.

Энергетика ва геология соҳаларида ўзаро манфаатли юқори технологик лойиҳаларни илгари суриш, банк-молия борасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги савдо-иқтисодиёт ва инвестиция йўналишларида жадал сурат билан ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Йилнинг ўтган даврида товар айирбошлаш ҳажми 6 миллиард доллардан ошди, Хитойдан 8 миллиард доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилди. Мамлакатимизда қарийб 6 миңга қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда.

“Яшил” энергетика соҳасидаги лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Хитойнинг етакчи компаниялари иштирокида Ўзбекистонда қуёш ва шамол электр станциялари ҳамда энергияни сақлаш тизимлари қурилмақда.

Ушбу лойиҳаларни тезлаштириш ҳамда фотозлектр станциялар қувватини кенгайтириш, агровольганкани жорий этиш ва электр узатиш линияларини қуриш каби

янги ташаббусларни бошлаш режалари қўллаб-қувватланди.

Чиқиндиларни қайта ишлаш ҳисобига энергия ишлаб чиқариш, дата-марказлар ва бошқа замонавий технологик ечимларни ривожлантириш соҳасидаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тоғ-кон ва геология соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари бўйича фикр алмашилди. Бу борада конларда биргаликда геология-қидирув ишларини олиб бориш ва уларни ўзлаштириш, муҳим ҳолашени етказиб бериш соҳасида узоқ муддатли шерикликни йўлга қўйиш назарда тутилмоқда.

Музокараларда Хитойнинг йирик банклари билан молиявий ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилишди. Инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштириш, ирригация тизимларини модернизация қилиш, юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган автомобиль йўллари ва гидроэлектростанцияларини барпо этиш, қишлоқ ҳўжалиги техникасини етказиб бериш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув иштирокчилари давлатимиз раҳбарига проактив мулоқот учун миннатдорлик билдириб, эришилган келишувларни сўзсиз амалга оширишга қатъий интилишини тасдиқладилар.

Буюк Британиянинг инвестициялар бўйича давлат вазирини, лорд Джейсон Стоквуд бошчилигидаги делегация билан учрашувда Буюк Британиянинг “UK Export Finance”, “Standard Chartered UK”, “Sturgeon Capital”, “Endeavour Mining” ва “British Petroleum” каби етакчи компаниялари, банклари ва молия институтлари раҳбарлари иштирок этди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларни кўриб чиқилди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг ижобий суръати қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ва Британия сармояси иштирокидаги корхоналар сони жадал ўсиб бормоқда.

Тошкент халқаро молия маркази, Халқаро тижорат суди ва капитал бозорини ривожлантириш ҳамда фармацевтика, сунъий интеллект ва энергетика соҳаларида технологик шерикликни кенгайтириш бўйича таклифлар қўллаб-қувватланди.

Молия, инфратузилма, давлат-хусусий шериклик, “яшил” энергетика, транспорт, геология ва нефть-газ соҳаларида, шу жумладан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраисини, “ACWA” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайян билан учрашувда ушбу мамлакат ишбилармонлари доирасида ҳамкорликни янада кенгайтириш ва устувор лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Саудиянинг “ACWA” ва бошқа компаниялари билан сермахсус шериклик йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Бу борада Тошкент инвестиция форуми доирасида яна бир қатор келишувларга эришилган.

Учрашувда “яшил” энергетика, соғлиқ сақлаш, транспорт, инфратузилма, туризм ва бошқа йўналишлардаги лойиҳаларни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.



“ Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз халқаро рейтингларда ўз позициясини мустаҳкамлаб бораётгани, жумладан, “Иқтисодий эркинлик индекси”да Ўзбекистон илк бор “иқтисодиёти мўтадил эркин” давлатлар қаторидан жой олганига алоҳида эътибор қаратди.

ТОШКЕНТ ИНВЕСТИЦИЯ РУҲИ — ДУНЁНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ОРТИБ БОРАЁТГАН ИШОНЧИ, УМУМҲИЙ МУВАФФАҚИЯТИ РАМЗИ

Бошланиши 1-бетда

Бу йилги форумда Европанинг икки давлати Президентлари, Марказий Осиё давлатлари билан бир қаторда, кўна қитъанинг қатор мамлакатлари Бош вазирлари, дунёнинг йирик етакчи халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари ишгор эътифони ҳам фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

караганда, мамлакатимизда кейинги йилларда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бизнесда давлат иштирокини қисқартириш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги кенг қўламли ислохотлар Ўзбекистонни энг жозибдор инвестицион давлатлардан бирига айлантирди.

Президентимиз мамлакатимиздаги изчил ислохотлар аниқ натижа бераётганига алоҳида тўхталди. Қайд этилганидек, ўтган йили мамлакат иқтисодиёти 7,7 фоиз ўсди. Жорий йилда эса ялли ички махсулот ҳажми 180 миллиард доллардан ортиши кутилмоқда.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш ўринли: тўрт йил аввал, яъни илк Тошкент халқаро инвестиция форумида 2026 йил якуни билан Ўзбекистоннинг ялли ички махсулотини 100 миллиард долларга етказиш мақсади айтилган эди. Мамлакатимиздаги жадал ислохотлар самараси ўлароқ бу кўрсаткич 2025 йилда деярли 50 фоиз ортиб билан уддаланди: тарихимизда биринчи марта ЯИМ 145 миллиард доллардан ошди.

Макроиқтисодий барқарорлик мустаҳкамлангани муҳим ютуқ бўлди: миллий валюта барқарорлиги сақланиб қолмоқда, халқаро захиралар эса 70 миллиард доллардан ошди. Жалб қилинган



муддатли фойдадан кўра, асосан, узоқ муддатли барқарорликка кўпроқ эътибор қаратмоқда. Президентимиз инвестиция муҳитининг барқарор ривожланиши мамлакатнинг узоқ муддатли мақсадларига эришишнинг муҳим шарт эканини таъкидлади.

Бу борада инвестициявий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ишбилармонлик фаолиятини юритиш учун замонавий

— Сизларнинг “янги иқтисодиёт” тармоқларидаги ташаббусларингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз, — деди Президентимиз.

Ўзбекистон етакчиси умумий қиймат 3 триллион долларга баҳоланган муҳим минераллар ва бошқа ер ости бойликларидан самарали фойдаланиш ҳамда хорижий инвесторлар иштирокида “Келажак металлари” технопаркларини ривожлантиришнинг аҳамиятига ҳам ургу берди.

“Яшил” энергетика ва сунъий интеллект соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўртинчи устувор йўналиш сифатида қайд этилди.

Яқин иштиқболда мамлакатимиз энергетика балансида қайта тикланувчи энергия улуши 54 фоизга етказилади. Шу билан бирга, энергияни сақлаш тизимлари ривожлантирилиши, электр тармоқлари модернизация қилинади ҳамда “яшил” энергия ҳисобига ишлайдиган дата-марказлар барпо этилади.

Сунъий интеллектни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сунъий интеллектни жорий этиш бўйича Миллий стратегия доирасида таълим, давлат хизматлари ва бизнесни рақамли трансформация қилишга қаратилган кенг қўламли дастурлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, агроаноат мажмуасини трансформация қилиш ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари экспортини ошириш масалаларига тўхталиб ўтилди. Ҳозир бу кўрсаткич йилига 3,5 миллиард долларни ташкил этаётган бўлса, келажакда уни 10 миллиард долларга олиб чиқиш истиқболлари мавжуд. Президентимиз инвесторлар билан ишлаш жараёнига худуд раҳбарларини фаол жалб қилиш ва бу борада жойларда лойиҳавий ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Нутқ якунида Марказий Осиё ва Кавказ инвестиция кенгашларининг минтақавий альянсини ташкил этиш бўйича таклиф қўллаб-қувватланди. Ушбу ташаббус умумий инвестиция маконини шакллантириш учун асос бўлиши мумкин.

Президентимиз ҳузуридаги Инвесторлар кенгаши доирасида сармаюдорлар билан доимий мулоқотни янада ривожлантиришга Ўзбекистон тайёр экани тасдиқланди.

Мамлакатимиз етакчиси инвестиция фақат иқтисодий ресурс эмас, балки илғор технологиялар, замонавий билим ва тажрибалар, янги иш ўринлари ва давр билан ҳамнафас тараққиёт эканини таъкидлади.

Яқунда Президентимиз мамлакатимизга катта ишонч ва ғоялар билан келаятган хорижий сармаюдорларга янги Ўзбекистоннинг эшиклари ҳаммиша очиқлигини айтди.

— Тошкент инвестиция руҳи барчангизни мамлакатимизга доим чорлаб туришига, умумий муваффақият рамзига айланадиган ишончман. Ўртинингизни гўзал табияти, бетақдор маданияти ва олижаноб халқимизнинг меҳмондўст қалби эса дўстлигимизни мустаҳкамлаш учун ўзинга хос инвестиция бўлишига аминман, — деди давлатимиз раҳбари.

Беинчи йўналиш — минтақавий транспорт-логистика болгиқлигини янада ривожлантириш.

Ўзбекистон ҳамкорлар билан биргаликда “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” стратегик темир йўлини қуриш, Трансафрон йўлагини барпо этиш ҳамда “Ўрта коридор” транспорт йўналишини ривожлантириш каби йирик инфраузулмавий лойиҳаларни амалга ошириш.

— Ушбу лойиҳаларни тўлиқ рўёбга чиқариш алоҳида Осиё ва Европани болғайдиган транспорт магистраллар тармоғига қўшилиши, — деди давлатимиз раҳбари.

Авиация ва логистика соҳасида ҳам йирик меғалойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, йилига 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатадиган янги Тошкент халқаро аэропорти қурилмоқда.

Олтинчи устувор йўналиш — худудларни ривожлантиришда инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш.

Мамлакатимизда жадал демографик ва иқтисодий ўсиш шароитида уй-жой қурилиши ва шаҳарсозлик бўйича йирик дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги шаҳар — “Янги Тошкент” барпо этилмоқда, йирик худудий марказлар миллионли шаҳарларга айлантирилмоқда.

— 2040 йилга қадар қуриладиган уй-жойлар сонини 2 қарра ошириб, урбанзация даражасини ҳозирги 51 фоиздан 65 фоизга етказишни режа қилганмиз, — деди Президентимиз.

Туризм соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу иқтисодиёт йўналиши мамлакатимизда ҳар йили 15-20 миллион чет эллик сайёҳни қабул қилиш ва уларга йилига камида 15 миллиард долларлик туризм хизмати кўрсатиш имконини беради.

Шунингдек, агроаноат мажмуасини трансформация қилиш ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари экспортини ошириш масалаларига тўхталиб ўтилди. Ҳозир бу кўрсаткич йилига 3,5 миллиард долларни ташкил этаётган бўлса, келажакда уни 10 миллиард долларга олиб чиқиш истиқболлари мавжуд. Президентимиз инвесторлар билан ишлаш жараёнига худуд раҳбарларини фаол жалб қилиш ва бу борада жойларда лойиҳавий ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Нутқ якунида Марказий Осиё ва Кавказ инвестиция кенгашларининг минтақавий альянсини ташкил этиш бўйича таклиф қўллаб-қувватланди. Ушбу ташаббус умумий инвестиция маконини шакллантириш учун асос бўлиши мумкин.

Президентимиз ҳузуридаги Инвесторлар кенгаши доирасида сармаюдорлар билан доимий мулоқотни янада ривожлантиришга Ўзбекистон тайёр экани тасдиқланди.

Мамлакатимиз етакчиси инвестиция фақат иқтисодий ресурс эмас, балки илғор технологиялар, замонавий билим ва тажрибалар, янги иш ўринлари ва давр билан ҳамнафас тараққиёт эканини таъкидлади.

Яқунда Президентимиз мамлакатимизга катта ишонч ва ғоялар билан келаятган хорижий сармаюдорларга янги Ўзбекистоннинг эшиклари ҳаммиша очиқлигини айтди.

— Тошкент инвестиция руҳи барчангизни мамлакатимизга доим чорлаб туришига, умумий муваффақият рамзига айланадиган ишончман. Ўртинингизни гўзал табияти, бетақдор маданияти ва олижаноб халқимизнинг меҳмондўст қалби эса дўстлигимизни мустаҳкамлаш учун ўзинга хос инвестиция бўлишига аминман, — деди давлатимиз раҳбари.

Беинчи йўналиш — минтақавий транспорт-логистика болгиқлигини янада ривожлантириш.

Ўзбекистон ҳамкорлар билан биргаликда “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” стратегик темир йўлини қуриш, Трансафрон йўлагини барпо этиш ҳамда “Ўрта коридор” транспорт йўналишини ривожлантириш каби йирик инфраузулмавий лойиҳаларни амалга ошириш.

— Ушбу лойиҳаларни тўлиқ рўёбга чиқариш алоҳида Осиё ва Европани болғайдиган транспорт магистраллар тармоғига қўшилиши, — деди давлатимиз раҳбари.

Авиация ва логистика соҳасида ҳам йирик меғалойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, йилига 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатадиган янги Тошкент халқаро аэропорти қурилмоқда.

Олтинчи устувор йўналиш — худудларни ривожлантиришда инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш.

Мамлакатимизда жадал демографик ва иқтисодий ўсиш шароитида уй-жой қурилиши ва шаҳарсозлик бўйича йирик дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги шаҳар — “Янги Тошкент” барпо этилмоқда, йирик худудий марказлар миллионли шаҳарларга айлантирилмоқда.

— 2040 йилга қадар қуриладиган уй-жойлар сонини 2 қарра ошириб, урбанзация даражасини ҳозирги 51 фоиздан 65 фоизга етказишни режа қилганмиз, — деди Президентимиз.

Жаҳон иқтисодиётида шиддатли трансформация жараёни кечаётган ва рақобат кучайиб бораётган шароитда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, барқарор иқтисодий ўсиш ва кенг имкониятларни таъминлашга қодир бўлган мамлакатларга сармоя киритишга интилиш тобора ортиб бораётгани кўрсатиб ўтилди.

Дарҳақиқат, глобал иқтисодий вазият инвесторлардан янада эҳтиёткор бўлиш, халқимиз таъбири билан айтганда, етти ўлчаб бир кесишни талаб этмоқда. Чунки инвестор бирор соҳа ёки худудга сармоя йўналтиришдан эҳтиёткор бўлиш, ҳарорининг истиқболини ўйлайди. Фойда олиш ёки олмаслигини таҳлил қилади. Бунда, шубҳасиз, капитал, аввало, ишонч юқори мамлакатларга йўналтирилади.

Ишонч нимга асосланади? Инвестор учун, биринчи навбатда, бу — сармоя киритишга бўлган давлатдаги инвестициявий муҳит: ҳуқуқий кафолатлар, адолатли рақобат муҳити, мустақил суд тизими, самарали давлат бошқаруви ва прогноз қилинадиган иқтисодий сиёсат мавжудлиги. Шу нуқтаи назардан

Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро бозорларда қиймати 16 миллиард доллардан ортиқ облигациялар жойлаштирди ҳамда Лондон биржасида охириги беш йилдаги энг йирик IPOни амалга оширди.

инвестициялар ҳажми эса 43 миллиард долларга етди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, шундан 123 миллиарди охириги беш йилга тўғри келмоқда. Бу — халқаро миқёсда янги Ўзбекистон тараққиётига ишонч тобора ортиб бораётгани, Тошкент форуми инвестициявий лойиҳалар учун самарали платформага айланиб бораётганининг яна бир ифодаси.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз халқаро рейтингларда ўз позициясини мустаҳкамлаб бораётгани, жумладан, “Иқтисодий эркинлик индекси”да Ўзбекистон илк бор “иқтисодиёти мўтадил эркин” давлатлар қаторидан жой олганига алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилги форум “Инвестициявий барқарорлик: янги марралар ва янги шериклик” мавзусига бағишланди. Бу беиз эмас, албатта. Чунки бугунги иқтисодий муҳитда инвесторлар қиска

эготизим яратиш бўйича олтига устувор йўналиш белгиланди:

Биринчи йўналиш — инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатларни янада кучайтириш.

Ўзбекистонда Тошкент халқаро молия маркази ташкил этилиб, у махсус ҳуқуқий режимга эга янги институционал платформа сифатида фаолият юритади.

Марказ иштирокчилари учун солиқ ва боғжона имтиёзлари, капиталнинг эркин ҳаракати кафолатлари ҳамда исталган валютага ҳисоб-китоб қилиш имкониятини бериш назарда тутилган. Марказ инфраузулмасини шакллантириш доирасида мустақил молиявий регулятор ташкил этилади, рақамли активлар, “яшил” молия учун замонавий тизим яратилади.

Шунингдек, чет эллик судьялар ҳамда халқаро экспертлар иштирокида халқаро арбитраж механизмларини жорий қилиш ва тижорат судини ташкил этиш ҳамда БМТнинг Медиация тўғрисидаги Синга-

пур конвенциясига қўшилиш режалаштирилмоқда.

— Ушбу чоралар натижасида инвесторлар Ўзбекистоннинг ўзида кафолатланган халқаро ҳуқуқий ҳимояга эга бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Иккинчи йўналиш — капитал бозорини ривожлантириш, муқобил молия воситаларига кенг йўл очилди. Мамлакатимиз етакчиси ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро бозорларда қиймати 16 миллиард доллардан ортиқ облигациялар жойлаштирди ҳамда Лондон биржасида охириги беш йилдаги энг йирик IPOни амалга оширди.

Халқаро капитал бозорларига чиқишга янги компанияларни тайёрлаш жараёни давом этмоқда ҳамда муқобил инвестиция воситаларини ривожлантириш учун капитал бозори ва инвестиция жамғармалари тўғрисидаги қонунларни қамраб олган ҳуқуқий база шакллантирилмоқда.

Суверен ислом облигациялари — сукук дастури амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётига катта ҳажмдаги инвестициялар оқимини жалб қилиш учун қўшимча мубо бўлади.

Юқори қўшилиш қиймат занжирларини кенгайтиришга инвестицияларни жалб этиш — учинчи стратегик йўналиш сифатида белгиланди.

Барча санаот тармоқларида янги технологиялар босқичга ўтиш бўйича йирик дастурлар амалга оширилмоқда. Яқин йилларда санаотда юқори технологияли махсулотлар ҳажмини 2,5 баробар кўпайтириш режалаштирилган.

Кимё санаоти, машинасозлик ва робототехника, энгил санаот, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, электротехника ва фармацевтика каби драйвер тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишларнинг умумий инвестиция салоҳияти ўнлаб миллиард долларга баҳоланмоқда.

АЛБАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай 17 июнь куни пойтахтимизда ўтказилган бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этиб, ялли мажлисда нутқ сўзлади.

— Бундай нуфузли форумда иштирок этиш мен учун катта шараф. Таклиф ва самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон ҳукуматиغا миннатдорлик билдираман, — деди Албания Президенти Байрам Бегай. — Иқтисодий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётган бугунги даврда Тошкент халқаро инвестиция форуми каби май-

донлар алоҳида аҳамият касб этади. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар нафақат расмий муокаралар, балки тадбиркорлар, сайёҳлар, олимлар ва халқлар ўртасидаги алоқалар орқали ҳам мустаҳкамланади.

Ўзбекистонга биринчи ташрифим бўлса-да, мамлакатларимиз ўртасидаги яқинлиқни чуқур ҳис қилдим. Албания Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли иқтисодий шерикликни ривожлантиришдан манфаатдор. Биз бу ҳамкорликни мазмунли ва самарали қилиш учун барча имкониятларни ишга солишга тайёремиз.

Албания етакчиси Тошкент шаҳридаги Ислон цивилизацияси марказига ҳам борди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган мазкур марказ ислом маданияти ва илм-фаннинг олтин даврини ўзида жамлаган йирик илмий-маърифий платформадир. Бу ерда асралаётган ноёб манбалар ва қўлёзмалар, дунё цивилизацияси ривожига замин яратган фундаментал тадқиқотлар халқаро илмий жамоатчилик учун маёқ бўлиб хизмат қилади.

Яқинда ушбу мажмуа “Дунёнинг энг йирик ислом цивилизацияси музейи” сифатида “Гиннеснинг жаҳон рекордлари китоби”га киритилди. Бу эътироф марказининг меъморий жиҳатдан мухташамлиги ҳамда унинг глобал миқёсдаги аҳамиятини ҳам таъкидлайди. Бино миллий меъморилик мактаби анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик технологияларининг ноёб уйғунлиги намунасидир.

Албания Республикаси Президенти марказдаги “Ислондан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс”, “Иккинчи Ренессанс” ва “Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс” деб номланган махсус экспозициялар билан батафсил таништирилди.

Мазкур бўлимлар хронологик изчилликда тузилган бўлиб, улар заминимиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг жаҳон илм-фани, фалсафаси ва маънавиятига қўшган ҳиссасини яққол кўрсатиб беради. Бугунги Учинчи Ренессанс ғояси мана

шундай мустаҳкам тарихий пойдеворга таъйини олий мартабали меҳмонда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Ташриф давомида сомониелар, қоракониелар, хоразмшоҳлар ва темирқонлар даврларига оид ноидир қўлёзмалар ҳамда бетақдор тарихий экспонатлар кўздан кечирилди. Ушбу асарлар ва моддий маданият намуналарини ўзбек давлатчилиги тарихи нафақат сиёсий, балки юксак интеллектуал қудрат устига қурилганининг жонли ибодтидир.

Олий мартабали меҳмон Ислон цивилизацияси марказининг “Фахрий меҳмонлар китоби”га ўз мулоҳазаларини битиб қолдирди.

— Ислон цивилизацияси марказига ташриф буюрганимдан гоат мамнунман. Президентингизнинг узоқни кўра биллиш сиёсати самарасида барпо этилган ушбу ажойиб марказ нафақат Ўзбекистон, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам бебаҳо хазинадир, — деди Албания Президенти. — Мазкур марказ бу ерга келаятган сайёҳлар, айниқса, ёш авлоднинг юртингиз тарихи ва маданий мероси билан яқиндан танишиши учун муҳим манба бўлишига ишончман.



Шу билан Албания Республикаси Президенти Байрам Бегайнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунланди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Кўп квартирали уй ва унинг таркибидаги барча объектлар ягона тизимда тўлиқ ҳисобга олинади. Турар ва нотурар жойлардан тортиб, умумий мулк ва автотураргоҳларнинг барчаси ҳақидаги маълумотлар битта марказлашган база — UZKAD ахборот тизими орқали юритилади.



Кун мавзуси



Энди одамлар алданиб қолмайди (ми?)!

1 июндан кўп қаватли уйларни фойдаланишга қабул қилишнинг янги тизими ишга тушди

Кадастр масаласи кейинги йилларда янги қурилаётган кўп қаватли уйларни харид қилишда энг муҳим жиҳатга айланди. Яхши ният билан пул жамағариб, хонадон сотиб олган инсон калитни қўлига олиб, ўша уйда яшай бошлайди. Аммо суриштирсангиз, ҳалигача кадастр паспорти, яъни хонадон унга тегишли эканини тасдиқловчи ҳужжати йўқ. Бунда масала кадастр ҳужжати йўқлигида эмас, балки қурилган кўп қаватли квартира тегишли талабларга жавоб бермагани боис, фойдаланишга топширишга рухсат берилмагани билан боғлиқ бўлиб чиқади.

— Бу тизимга эҳтиёж тобора ортиб бораётганда, — дейди Давлат кадастрлари палатаси раиси Моҳир Валиев. — Чунки кейинги йилларда кўп квартирали уйларни қуриш кўрсаткичлари бир неча баробар ортиб, соҳада тадбиркорлар сезиларли кўпайди. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам қонун доирасида иш қўрмайди, натижада айни йўналишда қўллаб пуқаролар алданиб қолаётгани сир эмас. Утган йили юртимиз бўйлаб барча ҳудудда ноқонуний қурилишлар бўйича гуруҳлар тузилиб, ўрганишлар қилинди. Жараёнда қурилишга рухсат олмастан туриб, пуқароларга уй сотилгани ва одамлар яшаб келаётгани, ноқонуний тарзда қўшимча қаватлар қурилган кўплаб ҳолатлар аниқланди. Биргина мисол, Наманган вилоятида 100 та хонадонли 2 та кўп қаватли уй қурилган ва ерда 250 та оила яшайпти. Лекин объект ҳали фойдаланишга қабул қилинмаган, одамларнинг кадастр ҳужжати йўқ. Яъни улар бу уйларда рўйхатдан ўтмасдан яшаб келяпти. Бундай мисоллар кўп ва уларнинг ечимини сифатида соҳа рақамлаштириб бориляпти. Давлат тизим раҳбарининг жорий йил 24 февралдаги “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш ва кўп квартирали уйлар қурилишини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан шаффоф ва соддалаштирилган янги ахборот тизими ишга туширилди. Шу асосда “Кўп квартирали уй” ягона реестри ҳам ишлаб чиқилди. Унда ҳар бир объектнинг маълумотлар базаси шакллантирилиб, битта ахборот тизимига киритилади.



Дастлаб қурилиш ишларини якунлаган қурувчиларнинг аризалари my.gov.uz портали ёки Давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилинади ва автоматик равишда UZKAD тизимига юборилади. Янги тартибга кўра, кўп квартирали уй жойлашган ер участкаси аввал давлат рўйхатдан ўтказилган бўлиши шарт. Бу талаб қурилиш ва мулкни расмийлаштириш жараёнининг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилиши айтилмоқда. Аризасга илова қилинадиган бошқа ҳужжатлар ҳам тўлиқ бўлиши керак. Акс ҳолда, ариза рад этилади. Шунингдек, тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқилган, қўшимча қаватлар ёки квартиралар қурилган, умумий мулклар кўрсатилмаган ҳамда ер участкаси чегарасидан ташқарида қурилган мавжуд бўлган ҳолатлар ҳам ариза рад этилишига сабаб бўлади. Авваллари аризани рад этиш ҳолатлари кадастр ҳужжатлари шакллантирилганидан кейин бўлган. Энди ана шу жараён кетма-келиги ўзгартирилиб, кадастр паспорти беришдан олдинги ҳолатга ўтказилди. Яъни кўп қаватли уй фойдаланишга топшириш талабларига тўла жавоб бермас, унга кадастр ҳужжати расмийлаштирилмайди. Аммо аризининг рад этилиши объект мутлақо фойдаланишга яроқсиз эканини аниқламийди. Қурувчи камчиликларни тўғриқил, қайта ариза топшириши мумкин.

Ариза қабул қилинганидан сўнг кейинги босқич — UZKAD тизимда рақамли инвентаризация амалга оширилади. Бунда кадастр муҳандислари объектга чиқиб, ер майдони, турар ва нотурар блоklar, квартиралар ҳамда умумий фойдаланиш жойлари бўйича ўлчам ишларини бажаради. Биномларнинг чўмчалар электрон харитада акс этирилади ва барча маълумотлар ягона реестрга киритилади. Ўйбўриш, ушбу жараёнда ҳам ариза рад этилиши мумкин. Яъни лойиҳа ҳужжатларидан ташқари қурилма рад бўлган ҳолатда жараён тўхтатилиб, ариза рад этилади. Техник инвентаризация тўлиқ ўтказилганидан кейингина кўп квартирали уй учун ягона кадастр паспорти шакллантирилади. Бу жараёнинг учинчи босқичи бўлиб, унда уй таркибидаги барча блоklar, квартиралар, нотурар жойлар ва умумий мулклар ҳақидаги маълумотлар жамланади. Мутахассисларнинг тушунтиришича, ҳозир ушбу жараён ҳам анча соддалаштирилган. Эски тартибда квартиралар, нотурар жойлар ва умумий мулк объекти алоҳида ҳисобга олиниб, ҳар бир объект учун алоҳида кадастр паспорти, кадастр рақами берилар эди, — дейди Моҳир Валиев. — Энди битта бино таркибидаги объект турларидан қатори назар, хусусан, квартиралар, нотурар жойлар ва умумий мулклар бир вақтининг ўзида расмийлаштирилиб, ягона кадастр паспорти шакллантирилади. Умумий объект тўғрисидаги барча маълумотлар битта ҳужжатга жамланади. Бу одамлар учун ҳам қўлай, бир неча ҳужжатни кўздан кечиришни тўғри келмайди, барча параметрлар битта билан кадастр паспорти орқали танишади.

Жараёнинг тўртинчи босқичида ҳужжатлар электрон тарзда Қурилиш назорати инспекциясига юборилади. Инспекция томонидан объектни фойдаланишга қабул қилиш рухсатномаси берилган, энди ҳар бир квартира, нотурар жой ва умумий мулк объекти учун кадастр паспорти шакллантирилиб, давлат рўйхатидан ўтказилади. Яъни кўп квартирали уй барна талабларга жавоб бериб, фойдаланишга қабул қилинганидан кейин ўз-ўзидан ундаги хонадонларга кадастр ҳужжати берилади ва одамларни бу масала орқича безовта қилмайди. Қолаверса, янги тизим ишга тушиши натижада маълумотларнинг турли платформаларда алоҳида юритилиши, орқича қоғозбозлик ва инсон омили билан боғлиқ номотаносиблиklar бартараф этилади.

Барча маълумотлар ягона тизимда

Давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида объектнинг ҳар бир қисми ҳисобга олинади. Ҳатто эндиликда кўп қаватли уйлардаги умумий фойдаланишдаги жойлар, хусусан, кириш йўлак-лари, лифтлар ҳам уй-жой мулкдорларига давлат рўйхатидан ўтказиб берилади. Аввалги тартибда уларнинг ҳуқуқий эгаси белгиланмаган. Умумий мулк учун кадастр паспорти шакллантирилмаган. Натижада уларнинг ҳисоби ҳам юритилмаган.

— Бу омил маълумотларини йиғиши ва расмийлаштиришда айрим ноаниқликларнинг юзга келтириб чиқараётгани, — дейди М.Валиев. — Чунки эски тизимда умумий мулкдаги жойлар назарда тутилмаган, уларни кимга расмийлаштириш бўйича аниқ механизм қилинмаган. Янги тизимдаги янгиланган бино эса айни шу жиҳат билан боғлиқ. Энди кўп квартирали уйларда ҳар квадрат метр жойнинг аниқ эгаси, ҳисоби бўлади. Соҳада тўлиқ рақамлаштиришга ўтиб борилаётганининг боиси ҳам шунда.

Кўп квартирали уй ва унинг таркибидаги барча объектлар ягона тизимда тўлиқ ҳисобга олинади. Турар ва нотурар жойлардан тортиб, умумий мулк ва автотураргоҳларнинг барчаси ҳақидаги маълумотлар битта марказлашган база — UZKAD ахборот тизими орқали юритилади. Аниқ маълумотлар базасининг шакллантирилиши тизимдаги очиқлик ва қонунийликни таъминлаш, пуқароларнинг мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Янги тизимни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу — юртдошларимизнинг уй-жой харид қилишда алданиб қолмасликларини, қонуний ҳуқуқларини кафолатлаштириш, ўз уйларига эга қилиш учун йиллаб сарсон бўлмасликларни керак. Муаммо кадастр ёки қурилишда бўлишдан қатъи назар, бу одамлар ҳуқуқлари ва тинчлигига даҳи қилмаслиги зарур. Янги тизим айни жиҳатга хизмат қилади. Энди кўп қаватли квартиралар қурувчиларига кадастр ҳужжатларини олиш осон бўлмайди. Бу баъзи тадбиркорларга ёқмаслиги мумкин. Аммо ҳалол ишлайдиган қурувчилар учун бу муаммо эмас, аксинча, шаффоф ва рақамли тизим анчагина қўлайлик туғдиради. Уларни орқича вақт ва овозгарчиликдан халос қилади.

Шундай қилиб, жорий йил 1 июндан кўп қаватли уйларни фойдаланишга топшириш бўйича аризаларни янги тартибда қабул қилиш бошланди.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Лойиҳадан – натижага

Яқингача қаровсиз эди... энди пистазорлар ҳосилга кирди



Риштон туманидаги “Навбахор” маҳалла пуқаролар йиғини жанубий ҳудудда “Яшил макон” умумийлий лойиҳаси доирасида экилган пистали бозлар ҳосилга кирди.

Поёнсиз кенгликлар, баланд-паст, тош-шағалдан иборат яёдоқ далазлар асллар давомида қаровсиз, ким-сасиз бўлган. Қир-ақирларни ўзлаштириш борасида бошланган лойиҳа қақроқ дашту биебонга янги ҳаёт на-фасини олиб кирди. Бу ерларга обиҳаёт олиб борилиб, 162 гектар ерда янги бозлар, “яшил белбоғ”лар барпо этилганга ҳам тўрт йил бўлди. Унинг 100 гектарини писта плантациялари ташкил этади. Айни кунда бу ерда экилган дастлабки писта кўчатлари илк ҳосил нишонларини кўрсатди. Шунингдек, ўрик, гилос, шафтоли, нок, олма кўчатлари парваришланаяпти. Экинлар оралиғида каврак, тоғ яллиғи сингари доривор гиёҳлар экиш ҳам йўлга қўйилган. Кўз илғамас кенгликларда ниҳоллар бараваж ўсаяпти.


Дала-даштарни ўзлаштириш осон бўлгани йўқ, албатта. Бу ерда “Agro cold service drop” МЧЖ ташаббуси билан умумий узунлиги 3 километрдан ортиқ йўл қурилди, 5 километрдан элекстр тармоғи тортиб келинди. Ер текислаш, ҳосилдорликни оширишга эътибор қараяпти. Кўчатхоналарда ўстирилган ниҳолга навдор кўчатлардан олинган куртка пайвандланган, оқик майдонларга экамиз. Бу ерда экилган кўчатлар 4-5 йилда ҳосилга кирди. Писта-тағил сардорамд соҳа. Плантацияда 218 минг туپ писта кўчати бор. Писта кўчати дастлаб ҳосилга кирган йили ўрта ҳисобда бир килограммдан ҳосил берса, жами 218 тонна бўлади. Бу микдорни ўрта ҳисобда 100 минг сўмга қўпайтирсангиз, даромад салмоғини чамалаб олиш қийин эмас.

Оламга гўзаллик, мусаффолик, яшиллик ифорини таратаётган бозлардаги кўчатлар ривожга авжада. Мевали бозларнинг охири қўрнмайди.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бандлик

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА ФАРОВОНЛИК ИМЗОСИНИ ҚЎЙДИ



Ташаббускор маҳалладошларини даромадли бўлишга ундамоқда

Бундан беш-олти йил аввал Улуғой опа рўзгор ташвишидан ўйга толар эди. Орият ўлимдан қаттиқ, Бировга дардинини айтиб йиғлагандан жим ўтирганини яхши деб ҳеч кимга арзиҳол ҳам қилмаган. Турмуш ўртоғи қанча ҳаракат қилса-да, бири икки бўлмасди. Улуғой опа эрига ердан берай деса, иш йўқ. Қўни-қўшидан суртишдан, беш-олтига товуқ олиб келди. Ҳовли четиридан қатқ қилиб, иштиёқ билан товуқ боқа бошлади. Аммо шунча қарагани билан кунига икки-учта тухумдан бошқа фойда кўрмади. Ўзини ҳам ишлаб, айрим идораларга борди. Аниқ жавоб бўлмади. Шундай кунларнинг бирида маҳалла фаоллари йўқлаб келди. Турмуш ўртоғи юмуш билан кетган эди. Масбулар Улуғой опадан ҳол сўраб, суҳбатлашди. Ишсизлиги боис, уни “Аёллар дафтари”га кириштириб, зарур ердан берилдиран бўлди. Уй бекаси меҳмонлар билан хайрлашаркан, расмийчилик учун келиб кетиши деб ўйлади. Аммо бундай бўлмади. Хотин-қизлар фаоли кўп вақт ўтмай яна ишлаб келди. Улуғой опага айрим таклифларини айтди. Тижорат банклари ажратаётган кредит эвазига нима ишлар қилиш мумкинлигини тушунтирди. Лекин аёл кам бўлса-да, қарсиз иш бошланиши маъқул кўрди.

Эртаси кунни ўзи истиқомат қиладиган Миришкор туманидаги Обод маҳалласи идорасида борди. “Маҳалла еттилиги”нинг маслаҳатига кўра турли лойиҳалар билан танишди. Охири паррандачилик билан шугулланиб қўришга қарор қилди. Ишни қандай бошлаш, нимага эътибор бериш керак экани ҳақида маслаҳат олди. Бу орада “маҳалла еттилиги” ҳам уни қўлаб-қуватлаб турди. Ўрганишлари натижада Улуғой опа бойлер зотли курак яхши даромад келтиришини билиб олди. Бухоролик тадбиркор билан боғланиб, ундан жўжа сотиб оладиган бўлди. Ишга киришди, оилавий ҳашар йўли билан ҳовлисининг четига қаттагина қатқ қўриди. Жой тайёр бўлган, кўнгирик қилганиди, соғувчи курак жўжаларини уйига келтириб берди.

Тўғри, бошида бир оз иккиландик. Сабаби бундай зотли куракни боқиб кўрмагандик. Бухоролик тадбиркор ўзи маслаҳат бериб боришини айтганидан сўнг ишни бошлаб юбордик, — дейди Улуғой Раимова. — Илгари хонаки товуқ боққандик. Аммо унчалик натижа бермагандик. Кейин турмуш ўртоғим билан келишиб, курак боққини йўлга қўйдик. Сигиримизни сотиб, шунга сарфладик. Бунга ҳам уй йил бўлди. Дастлаб 30 та курак олиб келгандик. Битта жўжасини 120-130 минг сўмдан сотиб олган бошқа, боқиб катта қилган, бир миллион сўмгача сотдик. Ҳозир билан тўрт ойда 15-20 килограммгача гўшт қиларкан. Ҳисоблаб кўрсак, даромади яхши. Кейинчилик кўпироқ боқа бошладик.



Сарфланган ҳаракат юқори фойда билан қайтгани оиланинг бу соҳага қизиқшини янада оширди. Олдин бу иш билан Улуғой опанинг бир ўзи машғул бўлганди. Кейинчилик курак боқиб оилавий ҳаракатга айланди. Турмуш ўртоғининг таъкидлашича, бу ишни аёли шунчаки қизиқти учун қилгани деб ўйланган. Даромадли иш эканини англаган, ўзи ҳам қўлаб-қуватлаган. — Айнан курак боқатганлар ҳақида сурштириб кўрдим. Туманимизнинг бирор ҳудудидан бу борада шугулланаятган кишини йўқ экан. Биринчилардан бўлиб иш бошладик. Ҳозир мингта курак боқиб иш учун шароитимиз бор. Яқин атрофдаги маҳаллаларни, қолаверса, туман бозорини қисман бўлса-да, парранда гўшти билан таъминлаймиз. Харидор қидириб юриш шарт эмас, одамлар ўзи келиб, олиб кетади, — дейди у. — Илгари бирор жойда ишламасдим. Бу ишга киришимиз билан оилавий бандлигимиз таъминланди. Барчамиз фойдали иш билан машғулмиз. Йиллик даромадимиз 300 миллион сўмдан ошиб қолди. Шунинг ортидан тўй қилдик, енгил машина олдик. Турмуш шароитимиз яхши томонга ўзгарди. Бундан ташқари, томорқадан фойдаланишни ҳам йўлга қўйдик. Ҳозир эртаки бодринг пизи. Бундан ҳам оила бюджетига фойда кела бошлади.

Улуғой опанинг ташаббуси билан нафақат оиласи, балки бутун маҳалласи фаровонлик сари юз тўтмоқда. Боиси ўзи каби уй бекаларига бекор ўтирмасликни

тартиб қилиб, ҳовлисидан курак боққини ундаяпти. Жўжаларни ўзи етказиб бериб, парваришда борасида ҳам маслаҳатчига айланган. Натижада аллақачон яқин-атрофдаги ўнга яқин хонадонда шу йўналишда иш бошлаб юборилган. Шу пайтгача ишсиз ўтирган уй бекаларини бандлиги таъминланди, даромадли бўлмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кенг қўламли ишохотлар ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларига аниқлашиш ва юксалиш нафасини олиб кирмоқда. Энг муҳими, хотин-қизларимизнинг ўз кучига, эртани кунга ишончи тобора ортиб бормоқда. Уларни қўлаб-қуватлаш тизимини янада ривожлантириш, жамиятдаги ролини ошириш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш, қўнчиллик ҳужжатларини қабул қилишга фаол иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаолият юритяётганларини рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, — дейди Миришкор тумани ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Холда Хамова. — Хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва қўшимча даромад манбалари билан таъминлаш мақсадида ҳозир туманда 2297 хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Жумладан 111 нафарни доимий ишга жойлаштирилди, 10 нафарни яқин тартибдаги тадбиркорлик бўйича рўйхатдан ўтказилди. 176 нафари лидер тадбиркорларга бириктирилди. 8 нафарни эса “Хунарманд” уюшмаси аъзолигига қабул қилди. 1086 хотин-қизнинг пиллачилик соҳасида бандлиги таъминланди. Ишсиз ва даромад топиш истагидогилар касб-ҳунар ва тадбиркорлик асослари бўйича ўқитилди. Тижорат банклари томонидан 375 аёлга 5,7 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 382 хотин-қиз даромадли меҳнатга жалб этилган. Шунингдек, Янги Миришкор, Барака, Гўлобод маҳаллақаридеги бўш бинолар ва тадбиркорлик субъектларидеги намунавий типдаги хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш мақсади билан ташкил этилиб, уларда 50 дан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Бутун олиқ қишлоқлардаги аёллар ҳам жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб, Улуғой опа каби ташаббускорларга эргашиб, оила бюджетига ҳисса қўшмоқда. Натижада оилалар камбағалликдан фаровонлик сари дадил одимлаётгани ҳар бир ҳудудда кўзга ташланаяпти.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz_news

Фойдойилик

САОДАТИ



Эҳтиром

Моҳир устознинг ибратли феноменига чизгилар

Инсон умр саҳифаларини арақлар экан, шубҳасиз, ўзига “Мен бу дунёга нима учун келдим?”, “Нималар қилдим, нималар қила олмадим?”, “Ортимда кимлар, нималар қоляпти?” деган саволларни бериши табиий. Зеро, соғлом фикрли, инсофли, оқил одам ҳақни бутилдан, тўғрини янглишдан, фойдани зарардан ажратиши зарур. Кейинги дунёсининг ҳам гўзал бўлмоғи учун вақт деб аталмиш фурсатдан жуда унумли фойдаланоғи лозим. Шу фикрлар ҳаёлимдан ўтаптию, Аллоҳ менга умрим давомида ҳамнафас, ҳамроҳ қилган инсонларни ўйлапман, улар ҳақидаги ширин хотираларим эсга тушмоқда. Ҳа, яратган Эгам менга ҳар доим ақлли, билимли, суюкли инсонларни рўбарў қилди. Улар жуда кўп. Ана шундайлардан бири меҳрибон ва садоқатли инсон Азиз ака Тўраевдир.

Азиз ака билан танишувим 1988 йилнинг октябрь ойида, пахта мавсуми авж олган кунларнинг бирида бўлган. Ўшанда домла эндигина институтга ректор лавозимига муқобиллик асосида сайланган бўлиб, янги иш фаолиятининг биринчи кунларини ўша даврнинг мафкуравий “қуроли”га айланган пахта йиғим-терими билан бошлаган эди.

Домла институтда 24 йил давомида муттасил ишлади. Унинг иш фаолиятини бир неча йўналишларга бўлиш мумкин. Аввало, домла катта ҳаёт тажрибасига эга, кадрлар билан ишлашнинг энг нозик жиҳатларига билган, мавжуд ҳолатдан тўғри, беҳато хулоса чиқара оладиган раҳбар. Бунинг унинг узоқ йиллар давомида мамлакатимизнинг кўплаб худудларида турли лавозимларда ҳалол-пок, миллат манфаатини ўйлаган ҳолда қилган ишларию, унга гувоҳ кишилар тасдиқлаши мумкин.

Иш фаолиятини узоқ чўл худудларда бошлаган Азиз ака қайси лавозимда меҳнат қилмасин, яхши одамлар орасида бўлди, улардан ўрғанди. Қариб чорак асрлик умрини Тожкент давлат маданият институти ривожини йўлга сарфлади. Домла менга Сирдарё вилоятининг Бөвүт туманидаги совхозлардан бирида ўша даврда раҳбар бўлган, Ўзбекистон тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган Усмон Юсупов ўзининг шахс, раҳбар сифатида

шақлланишида қандай роль ўйнагани ҳақида кўп мартаба гапириб берган. Институтда ишлаш давомида домла бир неча тамойилларга қатъий амал қилган. Айниқса, адолат, ҳаққат, инсоф Азиз ака ҳаётидаги энг устувор тамойиллар ҳисобланади.

Дастлабки кунларданок домла ўша пайтларда институтда муайян даражада мавжуд бўлган адолатсизликларнинг пайини қирқибга ҳаракат қилди. Адолат тамойили асосидаги ишларни эса бировларга озор бериш, кимларнидор норози қилиш эвазига эмас, аксинча, эзулик, кишиларга меҳр кўрсатиш каби ўзбекона урф-одатларимизга амал қилган ҳолда бажарди.

Азиз аканинг институтга узоқ йиллар давомида раҳбарлик қилиши ва шунча давр мобайнида профессор-ўқитувчилар хурматига сазовор бўлиши сабаби нимада деб сўралса, мен бу саволга буюк аждодимиз Маҳмуд аз-Замахшарийнинг

қуйидаги сўзлари билан жавоб берган бўлардим: “Эзулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солма, кейин қиларман деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут”.

Дарҳақиқат, домла ишни институтда ижтимоий адолат ўрнатишдан бошлади. Мен ўша даврларни яхши эсламан. Институтда турли амалларга даъвогар, сохта лидерлики ўз қўлларига олишга интилан гуруҳлар бор эди. Шубҳасиз, таълим муассасасида адолат чирогини ёқишни ўз олдига мақсад қилиб келган устознинг бу ҳаракатлари ўша гуруҳлар аъзоларига маъқул бўлмаган. Қисқа вақт ичида Азиз аканинг феномени кўринди. Турли гуруҳ аъзолари ўзлари билмаган ҳолда домланнинг сазў-ҳаракатларига қўшилди, қўллаб-қувватлади. Бунинг сабаби эса, шубҳасиз, домланнинг кадр масаласида узоқ йиллар давомида тўплаган тажрибаси, бу борадаги билимини муттасил ошириб боргани эди.

1994 йил январь ойида Азиз ака ташаббуси билан мен институтнинг тарбиявий ва илмий ишлар бўйича проректори лавозимига тайинландим. Устоз феномени билан бевосита танишувим айнан шу кунлардан бошлаб янада кучайди. Ўша пайтларда институтда 5 мингга яқин талаба таҳсил олар, уларга 400 дан зиёд профессор-ўқитувчи дарс беради эди.

Албатта, бундай катта жамоани бошқаришнинг ўзи бўлмайдди. Қолаверса, институт профессор-ўқитувчиларининг аксарияти маданият ва санъат ҳодимлари бўлгани боис, уларнинг кўнгилига йўл топиш, баъзан ҳаддан ортиқ “қайсар” ҳодимларни ягона мақсад йўлида бирлаштиришнинг ўзи улкан раҳбарлик маҳоратини талаб қиларди. Домла буннинг удатисидан моҳирона чиқди.

Азиз ака менга устозларидан, хусусан, Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги биринчи раҳбари Шароф Рашидовдан олган ўғитлари ҳақида кўп сўзлаб берган. Устоз

Гулистон шахри партия ташкилоти биринчи котиби лавозимида ишлаётган пайтда республиканинг биринчи раҳбари уни хузурига чорлаб, Ўзкомпартия Марказий Қўмитасининг маданият бўлимини бошқаришни таклиф этди.

Домла эса маданият ва санъат ҳодими эмаслиги, таклиф этилаётган соҳа ўта мураккаблиги, уни бошқаришда қийналиб қолиши мумкинлигини айтиди. Раҳбар эса маданият ва санъат соҳаси ҳақиқатдан жуда оғир жабҳа экани, ҳар бир шоир, ёзувчи, театр актёри, мусақа арбоби, хуллас, барча зиёлиларнинг бошини бир жойга жамлаш раҳбардан катта масъулият талаб қилишини таъкидлади. Айни пайтда Азиз акага “Сизнинг маданият бўлими бошлиғи сифатидаги вазифангиз барча ижодкорларнинг сўзига қулоқ тутиш, уларнинг дардини эшитиш, ижоди учун зарур шарт-шароит яратиб бериш ҳамда уларнинг пешонасини силаб туришдан иборат”, дейди.

Домла хизмат лавозимини бажариш жараёнида юзлаб маданият ва санъат вакиллари, халқимизнинг сеvimли ижодкорлари билан учрашишга, суҳбатлашишга тўғри келган. Уларнинг дярли барчаси Азиз ака ўз даврида ҳақиқатан ижодкорларининг маънавий ҳомийси бўлганини тан олган.

Ана шу фазилатлари туфайли домла узоқ вақт институтдаги раҳбарлиги даврида ўзига юкланган мураккаб ишни аъло даражада адо этди. Натижада ҳам институт жамоаси, ҳам раҳбарият хурматига сазовор бўлди.

Шу ўринда устознинг яна бир сифати ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Домла ҳар доим кадрлар захирасини тўлдириб боришга, ёш ҳодимларни, уларнинг билим савиясини, ташкилотчилик қобилиятларини ўрганишга эътибор қаратган. Шу туфайли институтда кадр масаласида дярли муаммо бўлмас, аксинча, республиканинг кўплаб маданият ва санъат муассасаларига бизнинг таълим даргоҳимиз юккак салоҳиятли мутахассис, раҳбарлар тайёрлаб беради эди.



Азиз ака феноменининг навбатдаги жиҳатини мен унинг маданият ва санъат жаҳзисини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, умуман, илмий тадқиқот соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътиборидан кўраман. Домла раҳбарлик қилган даврда биринчи мартаба маданий-маърифий ишлар назарияси ва услуби, кутубхонашунослик ва библиографияшунослик ихтисосликлари бўйича ихтисослаштирилган кенгаш очилди, қатор ёш олимлар етишиб чиқди. Мирзаҷўли ўзлаштиришда ёшларнинг иштироки масалаларини чуқур таҳлил қилган устоз сўнгги йилларда маданият ва санъат тарихи ва назариясини ҳар томонлама ўрганишга киришди, бу жараёнга ёш тадқиқотчиларни кенгрок жалб эта бошлади.

Ўша пайтларда домла республикада биринчилардан бўлиб олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Жумладан, Россия Федерациясининг Қозон давлат маданият ва санъат университети ҳамда Челябинск маданият ва санъат академияси билан бизнинг институт ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик жуда самарали бўлди. Ҳамкорликда ўнлаб илмий тадқиқот ишлари бажарилди, китоблар нашр этилди, талабалар айирбошлови йўлга қўйилди. Мазкур ҳамкорлик бугунги кунда ҳам давом этиб келяпти.

Шу ўринда яна бир воқеа ёдимга тушди. Ўша йиллари давлатлар ўртасидаги келишувга биноан Иорданиянинг 2 фуқароси институтимиз аспирантурасига ўқишга қабул қилинган эди. Бироқ айрим субъектив сабабларга кўра, ўша аспирантларга диссертация ишларини ўз вақтида яқунлаш ва ҳимоя қилиш имконияти чекланади.

1995 йилнинг ёз ойлари эди, домла етуқ олимлар Эргаш Йўлдошев, Қаримжон Расуллов ва мени қақриб, масалани ўз вақтида ҳал этиш лозимлигини, бу нарса ҳар икки давлат манфаатларига мос келишини айтди. Кўрилган чоралар туфайли хорижлик аспирантлар ўз вақтида номзодлик диссертацияларини ёқлаб, дипломларини олиб, ўз юртиларига кетди.

Азиз ака феноменининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири институтда ходимлар кўнимига эътибор беришида эди. Гап шундаки, бугун айримлар жамоани ёшларнинг баҳонасида кўплаб етуқ, маҳоратли, тажрибали мутахассисларни “кўчага чиқариб” қўймоқда. Бу борада домланнинг ўзига хос формуласи бор эди.

Устоз ёшларга диққат қаратган ҳолда жамоанинг асосий юкнини кўтарадиган ўрта авлод ва ёшларни тарбиялашда бош бўладиган кекса авлодни ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозимлигини таъкидларди.

Маданият ва санъатни ривожлантиришда шахсий ўрнанинг ўрни катта. Шунинг учун домла республиканинг кўзга кўрилган олим ва мутахассисларини институт ўқув жараёнига ҳеч иккиланмасдан таклиф этиб, тажрибалини бажонидил фойдаланарди. Ўзбекистон халқ артисти Раҳимжон Сайдуллаев, Олмадон Қайитова каби устоз санъаткорларни шахсан домланнинг ўзи институтга таклиф этган. Пировард натижада улар маҳоратли педагог даражасига эришди, профессорлик илмий унвонларига эга бўлди.

Устознинг том маънодаги фаолияти муштасиллик йилларида янада самарали кечди. 2017 йилда “Дўстлик” ордени билан муқофотланди, шунингдек, 2002 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”, 2023 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими” унвонларига сазовор бўлди. Азиз ака бугунги кунда “Меҳр ва муруват” жамоат фонди раҳбари сифатида самарали меҳнат қилмоқда.

Азиз Тўраев бугун ўзининг муборак 90 йиллик тўйини нишонламоқда. Устознинг бахти шундаки, у ҳамиша ўз ишига фойдано бўлди, ҳалол-пок яшади. Инсон учун бундан улгурок бахт бўлмас керак.

Абдуҳалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Ҳамкорлик

Германиянинг дуал таълим тажрибаси

Ўрганиладиган жиҳатлар нимада?

Мамлакатимиз олий таълим тизимидаги кенг қўламли ислохотлар халқаро таълим майдонида ўз ўрнимизни топишга хизмат қилаётир. Бунда таълим сифатини янада ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, соҳага замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш ҳамда олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида кўрилатган чоратадбирлар, айниқса, диққатга сазовор.



Рустам ТОЖИЕВ,
Фаргона давлат техника университети ректори,
профессор

илгор тажрибаларини ўзлаштириш асносида ривожланади. Фаргона давлат техника университетида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, таълим сифатини ошириш ва ёшлар

Германия таълим тизими дунёдаги энг илгор ва самарали моделлардан бири сифатида эътироф этилади. Хусусан, техника ва муҳандислик йўналишларида ушбу давлат университетлари халқаро рейтингларда етакчи ўринларни эгаллайди. Замонавий университетлар илм-фан, инновация ва кадрлар тайёрлаш борасида жаҳоннинг



учун янги имкониятлар яратиш устувор вазифаларимиздан. Шу мақсадда яқинда олий таълим муассасалари раҳбарлари билан бирга Германияга сафаримиз ана шу мақсадга хизмат қилувчи муҳим амалий қадам бўлди.

Германияда дуал таълим касбий тайёрловнинг асосий моделидир. Ўқитган ёшларнинг тахминан учдан икки қисми айнан шу тизим орқали мутахассис бўлиб етишади. Тизимнинг моҳияти оддий: назарий билимлар таълим муассасасида, амалий кўникмалар эса бевосита ишлаб чиқариш корхонасида шакллантирилади. Икки жараён параллел ва ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилади. Сафар чоғида биз Мюнхен ва Юқори Бавария хунармандчилик палатаси мисолида бу тизим қанчалик кенг қамровли ва самарали эканига гувоҳ бўлдик. Маълум бўлишича, палата таркибига 80 мингдан ортиқ хунармандчилик ва кичик бизнес субъекти қиради. Ҳар йили 30 мингдан ортиқ киши учун касбий тайёрлов дастурлари асосида ўқув-амалий машғулотлар ўтилади. Амалий машғулотлар автомобилсозлик, электротехника, металл ишлов бериш, қурилиш, санитария ва энергетика технологиялари каби 30 дан ортиқ йўналиш бўйича йўлга қўйилган.

Германия сафари чоғида мамлакатда дуал таълим тизими отуқлари ва тажрибасини юртимиз таълим тизимига жорий этиш масалаларига жиддий эътибор қаратишга уриндик. Хусусан, Франкфурт шаҳридаги MHT Mold & Notpunner Technology AG корхонаси билан ўтказилган учрашувлар натижасида Фаргона давлат техника университети ва мазкур корхона ўртасида дуал таълимни ривожлантиришга қаратилган алоқаларни йўлга қўйиш бўйича муҳим келишувга эришилди. Ҳамкорлик доирасида талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун малака ошириш дастурларини ташкил этиш, семинарлар, амалий машғулотлар ҳамда воркшоплар ўтказиш юзасидан келишиб олинди. Бу эса университетимиз учун Европанинг илгор соноат корхоналари билан бевосита ҳамкорликни йўлга қўйиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Сафар давомида Германиянинг нуфузли олий таълим муассасаларидан яна бири —



Потсдам амалий фанлар университетига ҳам самарали учрашувлар ташкил этилди. Делегация аъзолари университетнинг Стартп ва тадбиркорлик маркази, технопарк фаолияти ҳамда инновацион инфрақурилмаси билан танишди. Университет президенти, профессор Ева Шмидт Родермундт билан мулоқотда қўшма илмий тадқиқотлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмасишуви, шунингдек, дуал таълим элементларини амалиётга ҳамкорликда жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур олийоҳ билан илгари бошланган ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилиши икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Ушбу сафар доирасидаги энг муҳим воқеалардан бири Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Германиянинг Таълим, оила ишлари, кексалар, аёллар ва ёшлар масалалари бўйича Федерал вазирлиги ўртасида касбий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишувнинг имзоланиши бўлди. Чунки мазкур ҳужжат икки мамлакатнинг ваколатли давлат органлари

ўртасида касбий таълимни ривожлантиришга қаратилган илк тизимли ҳамкорлик ташаббусидир. Келишув доирасида касбий таълим соҳасида мамлакатлараро илмий тадқиқотларни ривожлантириш, дуал таълим тизимини такомиллаштириш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш каби устувор йўналишлар белгилаб олинди. Шунингдек, Ўзбекистон — Германия қўшма ишчи гуруҳининг ташкил этилиши таълим муассасалари, савдо-соноат палаталари, соҳавий уюшмалар ва ишлаб чиқариш корхоналарини ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи самарали платформа вазиофанси бажаради. Ушбу битим мамлакатимиздаги техника университетлари учун янги имкониятлар эшигини очувчи муҳим ҳужжат сифатида баҳоланмоқда.

Фаргона давлат техника университети-нинг Германия ОТМлари билан ҳамкорлиги бугун аниқ режаларга асосланган натижалар билан мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) молиялаштираётган иккита лойиҳа муваффақиятли амалга оширилатир. Ҳар бири

40 минг евро қийметига эга ушбу лойиҳалар талабаларнинг амалий кўникмаларини халқаро стандартлар асосида ривожлантиришга қаратилган.

Бундан ташқари, Альбштадт-Зигмаринген университети билан ҳамкорлик меморандуми асосида университетимиз талабаларининг Германияда таҳсил олиши учун имконият яратиш кўзда тутилди. Erasmus+ грантлари доирасида талабалар академик мобиллик дастурларида иштирок этимоқда. Шунингдек, мулоқотлар жараёнида Лейпциг амалий фанлар университети билан ҳам янада келишув меморандуми имзоланди. Натижада Фаргона давлат техника университетининг Германиянинг қатор нуфузли олий таълим муассасалари билан бевосита ҳамкорлик тармоғини шакллантириш истиқболи учун кенг йўл очилди.

Германиянинг ТЕСВОЛТ компанияси фаолияти билан танишув эса энергия сақлаш тизимларини ишлаб чиқариш бўйича Европадаги етакчи корхоналардан бири бўлган ушбу корхона ҳамда Анхалт амалий фанлар университети ўртасидаги дуал таълим модели таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини юртимизда қўллаш имконини беради. Ушбу моделга асосан талабалар назарий билимларини университетда эгаллаб қилиб бира бевосита корхонанин ўзига ҳам амалий фаолият юритиши назарда тутилган. Натижада меҳнат бозори талабларига тўлиқ жавоб берадиган, замонавий компетенцияларга эга, рақобатбардош муҳандис мутахассислар тайёрланади.

Эришилган келишувлар ва ўрганилган илгор тажрибалар Фаргона давлат техника университетида дуал таълим тизимини янада ривожлантириш, вилоятдаги йирик соноат корхоналари билан ҳамкорликни кенгайтириш, профессор-ўқитувчиларни халқаро малака ошириш дастурларига мунтазам жалб этиш ҳамда стартап ва инновациялар экотизимини шакллантириш бўйича қилинётган ишларни янада тизимли ташкил этиш имконини беради.

Бугун рақобатбардош мутахассис тайёрлаш таълим муассасалари, соноат корхоналари ва давлат ҳамкорлигининг узвий уйғунлигига таянишни эътиборга олак, хорижа сафаримиз самарали бўлиши учун катта умид бוגлашимиз мумкин. Уйлаймики, Германия тажрибаси айнан шу ёндашув самардорлигини таъминлашга хизмат қилади.



Давра суҳбати

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



ЕНГ ШИМАРИБ, ЕЛКАДОШ БЎЛИБ ИЖОД ҚИЛАДИГАН ПАЙТ КЕЛДИ

Жорий йил 1 июнь санаси мамлакатимиз ҳаётида чинакам тарихий кунга айланди. Давлатимиз раҳбарининг адабиёт, маданият ва санъат вакиллари билан дилдан мулоқот қилиши соҳага чуқур ҳурматнинг амалий кўриниши бўлди, десак янглишмаймиз. Эндиликда ижод аҳли ҳам алоҳида имтиёз ва имкониятларга эга бўлмоқда. Маданият эса инвестиция талаб қилувчи стратегик тармоқ сифатида кўриляпти. Учрашувда иштирок этган театр соҳаси вакиллари ҳам тизим тарихида кузатилмаган бундай янгиликлардан бахтиёр. Биз эса уларнинг айримлари билан шу мавзуларда гаплашдик.



Элёр НОСИРОВ, Ўзбекистон халқ артисти, "Меҳнат шuhrати" ордени соҳиби:

— Учрашувда эълон қилинган имтиёзлар ва рақамлар шу даражада кўпки, очингани айтсам, ҳали уларнинг барчасини таҳлил қилиб улгурганимча йўқ. Бироқ бир нарсани

Толиб МЎМИНОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:

— Яхши биласизлар, одатда давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросимлари катта байрамлар арафасида бўлиб ўтardi. Ёхуд бундай хушхабарларни Театр кунни ёки маданият соҳаси вакиллари байрами олдинда эшитар эдик. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" деган юксак унвонни олиш ўзим ва оилам учун катта байрам бўлди. Бу ҳар бир ижодкор учун бениҳоя қадри. Зеро, сахнанинг чангини ютсан, театрда меҳнат қилсан, камера ортида, кинода, телевидение ва дубляжда тинимсиз югурасан — шу тарихи умр ўтаверади. Бир

хаёли, аввало, бошпана қилиш ташвиши билан банд бўлиб қолади. Шунинг учун энди бу масалага жуда жиддий киришимокда. Ёш ижодкор оилаларнинг имтиёзли ипотека кредитидан фойдаланиши уларнинг ҳаётида анча енгилик яратади. Бутун бошли шу катта муаммо араси, ёшларнинг кўнгли хотиржам топиб, миёсига янги-янги гоёлар ва ташаббуслар келаверади. Ижодга ҳамма мамлакатларда ҳам бунчалик юксак эътибор қаратилавермайди. Биз бунни турли сабабларимиз ва хорижий хизмат сафарларимизда бўлганимизда ўз кўзимиз билан кўриб, ҳис қилиб қайтатимиз. Турғун акам айтганидек, юртимизда бирор соҳа давлат эътиборидан четда қолгани йўқ. Шунинг учун барча соҳа вакиллари қарата "Меҳнат қилинг, тинимсиз ишланг, шунда албатта, юзага чиқасиз", дегим келади. Мана, ўзингиз айтинг, илгари вилоятларда ишлаётган ижодкорларни ким шунчалик улуғлаган эди? Ҳозир вилоят театрлари ҳам пойтахтдагилар билан бирдек эътибор марказида. Ҳаёт бўлган ижодкорларни рағбатлантириш ўз йўлига-я, аммо марҳум ижодкорларимиз ҳам қадрланаётгани-чи?! Уларнинг фарзандлари ва яқинлари бундан қанчалик хурсанд бўлмоқда.

ижодий жамоа ушбу фармонни диққат билан ўқиб, кенг муҳокама қилиши лозим. Хўш, бундан буён нима ишларни амалга оширамиз? Агар ҳар биримиз: "Ярим йилдан кейин биздан натижаларни сўрашлари аниқ", деган масъулиятни ўй билан яшасак ва ижод қилсак, албатта, ҳаммаси яхши бўлади.

Маъсуда ОТАЖОНОВА: — Президентимиз учрашув давомида ҳаттоки спектакллар учун сотилмаган чипталаримизга эътибор қаратиб гапирганига қойил қолдим. Энди театрлар спектакли учун сотилган ҳар бир чиптага давлат бюджетидан қўшимча 10 минг сўм миқдорда гонорар оладиган бўлди. Агар ижодкорлар ўз сахна асарини чекка ҳудудларга чиқиб намоиш қилса, уларга ҳар бир чипта учун 20 минг сўмдан гонорар тўланадиган янги тизим яратилмоқда. Ёки бошқа ҳудудлардан пойтахтга келиб ишлаётган, ўз уй-жойига эга бўлмаган маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига уй-жой ижраси тўловларининг бир қисми қоплаб берилиши орқали катта амалий ёрдам кўрсатилишини айтмайсизми?!

Элмира РАҲИМЖОНОВА: — Давлат маданият объектлари бизга бепул фойдаланиш учун ажратилмаган бўлди. Агар хусусий театр бинони ижарага олмаган бўлса, унинг ойига 20 миллион сўмгача бўлган харажатлари тўғрисида тўғри бюджет маблағлари ҳисобидан йўналтирилиши белгиланди. 2028 йилга бориб, мамлакатимиздаги нодавлат театр ва театр-студиялар сонини 50 тага етказиш орқали театр соҳасида хусусий секторнинг иштирокини 25 фоизга ошириш мақсад қилинмоқда. Очингани айтганда, соҳадаги нодавлат секторга, умуман олганда, ижод аҳлига бундай юксак ҳиммат ва эътибор илгари ҳеч қачон кўрсатилмаган эди. Мана, энди бутун эътиборимизни фақатгина сифатли ва савияли асарлар яратишга ҳамда ўз устимизда янада жиддийроқ ишлашга қаратамиз.

Раъно ЯРАШЕВА: — Рухсат берсангиз, барчангизнинг номингиздан бугунги суҳбатимизга якуний сўз айтсам. Юқорида биз юртимизда ҳеч бир соҳа эътиборидан четда қолмаётганини эътироф этдик. Демак, бугунги кунда фақатгина санъаткорлар эмас, барча касб эгалари ва турли соҳалардаги давлат хизматчилари ҳам ўз ҳаётидан рози бўлиб яшамоқда. Амалга оширилган бундай ишлар ҳаттоки "Вой, умрим ўтиб кетди, мен энди кексаиб қолдим", деган умидсиз ижодкорларни ҳам гўё уйқудан уйғотиб юборди.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида айтиб ўтишни истар эдим: авваллари "Фалон жойда янги кўприк қурилибди", "Чиройли бог яратилибди" ёки "Янги завод ишга тушибди" қабилидаги хушхабарларни кам эшитар эдик. Ҳозир эса ҳар кунда 3-4 та мана шундай қувончли хабар қўлоғимизга қалинмоқда. Шунинг учун ҳам мен янги Ўзбекистонимиз чинакам бахтиёрлар мамлакатига айланган бўраётганига қатъий ишонаман. Келажакда невараларимиз бундан да олжаноб ишларга гувоҳ бўлишига ҳеч қандай шубҳам йўқ. Чунки бугунги кунда биз, ижодкорларга кўрсатилаётган бундай юксак ҳурмат ва эътиром намунаси келажак авлодларимизнинг ҳаётида ҳам гоётда муҳим ўрин тутайди.

Янги Ўзбекистонимизга ҳеч қачон кўз тегмасин! Спорт, илм-фан ва бошқа барча соҳалар сингари санъат ва маданият ҳам жонажон юртимизни бутун дунёга кўз-кўз қилишда давом этсин! Ижод намуналаримиз халқларни ва миллатларни бир-бирига чамбарчас боғловчи мустақкам маънавий кўприк вазифасини бажараверсин!

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Муножат МЎМИНОВА тайёрлади.

Раъно ЯРАШЕВА, Ўзбекистон халқ артисти:



Турғун БЕКНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:



— Биласизми, давлатимиз раҳбари билан мулоқотдан сўнг бир-биримизга "Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган", деган гапни жуда кўп айтдик. Аслида, мен бу учрашувда сўзлашга тайёрланмаган эдим. Лекин биз, ижод аҳлига кўрсатилган ота-ларча меҳр учун миннатдорлик билдирмай тура олмадим. Чунки шундай даврларни ҳам кўрдикки, бутун бошли жамоага бирор та ва мукофот ёки унвон берилмаган эди. Ҳар қандай долзарб мавзуга "лаббай" деб жавоб берадиган отахон театрга-я?! Ушунда жамоа бўлиб ўксинганмиз. Бугунги бағрикенгликни қаранг! Ҳам мукофот, ҳам эътироф, шунингдек, қатор-қатор енгилликлар берилган. Бу ижод аҳли учун ўзига хос катта байрам бўлди. Бундан қандай қилиб ҳаяжонланмаслик мумкин?!

— Бугун ота-боболаримиз орзу қилган дориламон кунлар, хотиржам яшайдиган даврлар келди. Айниқса, санъат ва ижод аҳли учун жуда катта имкониятлар яратилмоқда. Президентимиз ҳеч бир соҳани эътибордан четда қолдираётгани йўқ. Инчунин, маданият ва санъатни ҳам. Акс ҳолда, биз билан бўлган мулоқотда ижод аҳлининг энг майда муаммоларига тилга олинмаган бўларди. Бизнинг ҳар бир қилаётган ишимиздан шу қадар хабардор экани ҳайратимизни янада оширди.

Элмира РАҲИМЖОНОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:



алоҳида таъкидлашни истардимки, "Фармон имзоланди, бўлди, ҳаммаси зўр бўлиб кетади", деб қўл қовуштириб ўтирмадан, ўзимиз ҳам янада астойдил меҳнат қилишимиз керак. Ахир шунча имтиёз ва имкониятларнинг жавоби ҳали, албатта, сўралади.

Энди фақатгина томошабинга маъқул келадиган яхши асарлар устиде изланишимиз керак. Хўш, яхши асар нима дегани ўзи? Модомки биз ислохотлар тарғиботчилари эканмиз, фақатгина комедиялар билан чекланиб қолмай, чуқур савияли, жиддий ишларимиз ҳам бўлиши керак. Аслида, бирор та ва санъат тури инсонни ёмон йўлга бошламайди, уларнинг барчаси эзгуликка хизмат қилади. Ёнг муҳими, халқимиз ва болаларимиз маданиятли, билимли бўлиб вояга етсин. Президентимиз ҳам, аввало, мана шунга ҳаракат қилмоқда.



кун келиб, бу машаққатларнинг натижасини кўрганнингиз эса ортга боқиб, ҳақиқат барибир қарор топишига амин бўлар экансан. "Умри зое этма, меҳнат қил, меҳнатни саодатинг қалити бил", деган Навоийи бобоимиз. Демак, саодат бу, менимча, меҳнатим бўлса, унинг қалити кўксимга қадалган шу унвондир.

Ўзингизга маълум, бизда турли тадбирлар ва учрашувлар кўп бўлади. Гастроль сафарларига чиқганимизда ҳам саросимага тушар эдик: томошабин йингизи машаққати кўпми ижодкорнинг ўзига қолиб қетар эди. Эндиликда бундай ташкилий ишларга махсус масъуллар бириктирилди. Вилоятларга бориб хизмат кўрсатганимизда маошимизга икки баробар устама ҳақ қўшилиши ҳам тарихимизда ҳеч бир даврда кузатилмаган имтиёзлардан бири бўлди.

Адабиёт, санъат ва маданият соҳаси вакиллари учун имтиёзли кредитлар ажратилиши, шунингдек, ипотека кредити бошлангич тўловининг 50 фоизи давлатимиз томонидан қоплаб берилиши ижодкорларнинг чексиз қувончига сабаб бўлди. Ахир ораимизда узоқ йиллар давомида уй-жой масаласида қийналиб, ижарада яшаб келётган ижодкорларимиз талабига. Эндиликда ҳар йили уларнинг камида 1000 нафари ўз бошпанасига эга бўлади.

Раъно ЯРАШЕВА: — Ҳа, албатта, ижодкор ҳаловат топсагини унинг ижоди гуллаб-яшнайдиган. Агар унинг уй-жой масаласида муаммоси бўлса, бутун

Маъсуда ОТАЖОНОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:



— Тўғри айтасиз, чиндан ҳам бу йилги ёнинг биринчи кунини ҳеч қачон унутилмас бўлди. Хурсандчилигимизни таърифлашга тил ожиз. Чиройли кунда чиройли мукофотларни олишнинг гашти бошқача бўлар экан. Бениҳоя мамнун бўлдик.

Президентимиз биздан "Чарчамадингизми?" деб сўраганида, ҳаяжонланганимдан фақатгина "Йўқ" дея олган эдим. Энди эса ижодга шунчалар катта эътибор қаратилаётган юртда, давлатимиз раҳбарининг ўзи бош бўлган катта бир карвон сафида боришдан нима учун чарчамим керак деган сўзлар ўятпти дилимдан. Ич-ичимдан санъатга бўлган чексиз муҳаббат жўш уриб, гоийбона бир куч ва ғайрат уйғонди. "Ижодкорлар байрами" деса бўлади-ган ўша тарихий кунда мамлакат бўйлаб барчанинг кайфиятида кўтаринкликни кўрдик. Бу ҳам бўлса, халқимизнинг бизга нисбатан ҳурмати ва меҳридри.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти) ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646. 30166 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

GAZETADAGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA ASOSLANGAN QZB ALIFBOSIDA UQISH UCHUN MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING